

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

416 Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр
транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва
қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари
ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини
тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2271*

(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузу-
ридаги Давлат тест маркази **қарор қиладилар:**

1. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти восита-
лари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи
таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест савол-
ларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низо-
мовага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга ки-
ради.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 29 июль,
7-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири****Б. ХОДИЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 29 июль,
316-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори****Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 29 июль,
89-01-2090-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест
марказининг 2011 йил 29 июлдаги 7, 316,
89-01-2090-сон қарорига
ИЛОВА

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти
воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқувчиларининг
билимини баҳолаш учун тест саволларини тузиш ва
тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 августдаги ПҚ–1392-сон «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идоралари фаолиятини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш чоралари ҳақида»ги қарорига мувофиқ автоматотранспорт ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) фаолиятининг самарадорлигини ошириш, тест саволларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи давлат таълим муассасалари, шунингдек Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Transkasb» уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Автомотохаваскорлар кўнгилли жамиятига татбиқ этилади.

I. Умумий қоидалар

1. Таълим муассасалари ушбу Низом асосида ишлаб чиқилган тест саволлари билан ўқувчиларнинг билимларини баҳолайди.

2. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муддатлари тасдиқланган режалар ва ўқув дастурларига мувофиқ белгиланади.

II. Тест саволларининг тузилиши

3. Тест саволлари уларни тузишга қўйилган талабларга қатъий риоя этилган ҳолда тузилиши, уларнинг жавоблари мазмунан бир-бирига яқин бўлиши, альтернатив жавоблардаги жумлалар сони ва ҳажми бир-биридан кескин фарқ қилмаслиги ва мураккаблик даражалари бўйича учта тоифага (мураккаб, ўртача ва оддий) бўлиниши лозим.

4. Ўқув дастуридаги ҳар бир фандан тест саволлари тузилиши лозим.

5. Тест саволлари сони фанга ажратилган ҳар бир мавзу учун учтадан бештагача тузилиши ҳамда ҳар бир саволдаги альтернатив жавоблар сони иккитадан бештагача ва улар А, В, С, D, Е кўринишида берилиши шарт.

6. Тест саволлари билан фаннинг барча бўлимлари тўлиқ қамраб олиниши керак.

III. Таълим муассасаларида ўқувчилар билимини баҳолаш

7. Ўқувчилар билимини баҳолаш учун куйидаги назорат тадбирларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат — ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакалари мунтазам назорат қилиниши муносабати билан ўтказилади;

оралиқ назорат — фаннинг маълум бир қисми, бўлими яқунлангандан сўнг ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун амалга оширилади;

яқуний назорат — курс тамом бўлгандан кейин ташкилотдаги ички имтиҳон даврида ўтказилади.

8. Жорий, оралиқ ва яқуний назоратлар тестлар, оғзаки сўровлар, ёзма ишлар ва шу каби сўров шакллари орқали амалга оширилади.

9. Оралиқ назоратни ўтказиш тартиби ва шакли таълим муассасаси томонидан белгиланади.

10. Жорий ва оралиқ назоратларнинг тест натижалари Машғулотларни ҳисобга олиш журналида баҳо қўйиш йўли билан қайд этилади.

Яқуний назорат тест синови натижаси ички имтиҳон баённомасида акс эттирилади.

11. Ўқувчиларнинг билими 5 баллик («5», «4», «3», «2») тизимида, бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

12. Ўқувчи ҳар бир назорат туридан унга ажратилган баллнинг камида 55 фоизини тўплаши лозим.

13. 55 фоиздан кам балл тўплаган ўқувчи якуний тест синовлари (ички имтиҳон)ни топширмаган ҳисобланади ва камида 5 кундан сўнг қайта тест синовига қўйилади.

14. Жорий ва оралиқ назоратлар таълим муассасасида машғулотларни олиб бораётган ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

15. Якуний назорат таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган таркибдаги тест синовларини ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

IV. Таълим муассасасида тест синовларини ўтказиш

16. Комиссия таълим муассасаларида тест синовларини юқори савияда ва сифатли ташкил этиш мақсадида тузилади.

17. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тест ўтказиш учун зарур шароитларни яратиш;

ўқувчиларга уларнинг тест жараёнидаги ҳуқуқ ва вазифаларини тушунтириш;

тест жараёнининг холис ва адолатли ўтишини таъминлаш;

ўқувчиларга тест натижалари бўйича тўлиқ маълумотлар бериш.

18. Комиссия тест жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида қуйидаги ишларни амалга оширади:

комиссия аъзоларининг вазифаларини аниқлаб, тегишли ҳужжат билан расмийлаштиради;

комиссиянинг иш вақтини белгилаб эълон қилади;

тест жараёни бошлангунга қадар тест ўтказиладиган аудиториялар ва улардаги ўринлар сонини аниқлайди. Бунда, ҳар бир аудиторияда ўтириш ўринлари 25 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиши лозим;

ўқувчиларга тест жараёни, баҳолаш мезонлари ва бошқа тегишли зарурий ахборот (тушунтириш)ларни беради;

барча ўқувчиларни мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган Ўқувчиларга эслатма билан таъминлайди;

мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган Ўқувчиларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатининг тегишли қисмини тўлдиради.

V. Ўқув гуруҳи ўқитувчиси ва амалий машғулот инструкторининг тест синовларини ўтказишдаги иштироки

19. Ўқув гуруҳи ўқитувчиси ва амалий машғулот инструктори тест синовларини ўтказишда бевосита қатнашадилар.

20. Тест синови ўтказиладиган хонада синовнинг белгиланган талабларга қатъий риоя этилган ҳолда холис ва адолатли ўтказилишини таъминлаш,

пакетлар, саволлар китоби ва жавоблар варағи қутисидаги шаклларни тўғри тўлдириш, далолатномаларни тўғри расмийлаштириш бўйича масъулият шахсан ўқув гуруҳи ўқитувчиси ва амалий машғулот инструкторининг зим-масига юклатилади.

VI. Тест синови натижаларига келтирилган эътирозлар бўйича аризаларни кўриб чиқиш

21. Ўтказилган тест синовлари натижалари бўйича ўқувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш мақсадида аризаларни кўриб чиқиш комиссияси ташкил этилади.

22. Аризаларни кўриб чиқиш комиссияси таркибига масъул ходимлар ва фанлар бўйича экспертлар киритилади ва унинг таркиби таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

23. Ўқувчилар томонидан фанлар бўйича тест саволларига эътироз билдириб ёзилган аризалар тест жавоблари эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун давомида аризаларни кўриб чиқиш комиссияси томонидан кўриб чиқиши шарт.

24. Ариза ўқувчи иштирокида кўриб чиқилади. Бунда ўқувчи ўзининг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати билан иштирок этади.

25. Аризани кўриб чиқиш жараёнида ўқувчига унинг жавоблар варағи кўрсатилади ва унга тест синовида у томонидан тўлдирилган жавоблар рўйхати билан биргаликда тестда тушган саволлар китобининг варианты нусхаси жойида ўрганиш учун берилади.

Аризаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича баённома тузилади ва аризаларни кўриб чиқиш комиссияси аъзолари ҳамда мурожаат этган ўқувчи томонидан имзоланади.

VII. Якуний қоидалар

26. Тест синовларини топширган ўқувчи таълим муассасасининг ички синовларидан ўтган ҳайдовчиликка номзод деб ҳисобланади ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимлари ёки туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимларида имтиҳон топширишга қўйилади.

27. Ўқувчи аризаларни кўриб чиқиш комиссиясининг хулосасидан норози бўлган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўқувчига эслатма

Тест синови ўқув гуруҳи таълим олган ўқув хонасида ўтказилади.

Тест синовларида ахборот манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларидан, адабиётлардан, ҳар қандай турдаги техника воситалари ёки бошқа ҳужжатлар ва воситалардан фойдаланиш тақиқланади.

Тест синовлари бошлангандан сўнг кечикиб келган ўқувчи синов ўтказилаётган хонага киритилмайди.

Ўқувчи тест синовларини таълим муассасасида ўқитиладиган тилда ва ёзувда (кирилл, лотин) топшириши мумкин.

Саволлар варағининг тест саволларида типографик хато ёки бошқа сабабларга кўра тўла нашр қилинмаган ўринлари бўлса, зудлик билан гуруҳ ўқитувчисига хабар беради ва нуқсонсиз тест саволлари варағини олади. Жавоблар варағининг тегишли жойига ўз фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзиб, имзо қўяди.

Жавоблар варағини тўлдиришда ўқувчига фломастер ва қаламдан фойдаланиш ман этилади.

Ўқувчи ўзи ҳақидаги маълумотларни жавоблар варағининг тегишли қисмига титул варағидан кўчириб ёзади ва имзо қўяди.

Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланади. Агар битта саволга икки ёки ундан кўп жавоб белгиланса, ушбу саволга балл берилмайди.

Тест синовларини бажариш учун 1 соат вақт ажратилади.

Жавоблар варағининг тўғри тўлдирилиши учун ўқувчи шахсан жавобгардир.

Жавоблар варағида нотўғри белгиланган, жавоблар варағини алмаштирган, фан блоклари ўрнини алмаштириб белгилаган, жавоблар варағининг тегишли блокларида фамилияси, исми ва отасининг исми, тест варианты рақамини ёзмаган ҳамда имзо қўймаган ўқувчиларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

Тест синовини белгиланган муддатдан олдин тугатган ўқувчи саволлар варианты ва жавоблар варағини гуруҳ ўқитувчисига топширади ва тест ўтказилаётган хонадан чиқиб кетади.

Тест синовидан четлаштирилганларнинг жавоблар варағи ўқилмайди ва унга балл берилмайди.

Тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнг, аудитория раҳбари тест синови тугаганлигини расман эълон қилади. Ўқувчиларнинг бар-

